

Вахабов А.В.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ректори, и.ф.д., профессор

Бобакулов Т.И.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси "Пул муомаласи ва кредит" кафедраси мудири, и.ф.д.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

1991 йилда Ўзбекистон халқи улкан сиёсий-тарихий ғалабага – давлат мустақиллигига эришди. Бунинг натижасида иқтисодий мустақилликка эришиш, бозор инфратузилмасини шакллантириш учун реал имкониятлар юзага келди.

Бозор инфратузилмасининг муҳим элементи миллий банк тизими бўлганлиги сабабли, уни халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган даражада шакллантириш давлат иқтисодий сиёсатининг долзарб вазифасига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Ўзбекистоннинг молияга доир ёрдамчи тармоқларини, мамлакатнинг банк тизимини такомиллаштириш биз учун биринчи навбатдаги вазифадир", дея алоҳида таъкидладилар.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг дастлабки йилларида мамлакат банк тизимини шакллантириш учун меъёрий-ҳуқуқий асослар мавжуд эмас эди. "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонун 1995 йил декабрда, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонун эса, 1996 йилнинг апрелида қабул қилинди. Бунинг устига, бутун иқтисодиётга хизмат кўрсатиш монопол банкларнинг зиммасида бўлиб, хусусий банклар умуман мавжуд эмас эди. СССР Давлат банки, Ташқи иқтисодий фаолият банки, Қурилиш банки ва Давлат меҳнат омонат жамғарма кассаларининг республика, вилоят бошқармалари ва туман бўлимларигина фаолият кўрсатар эди.

Бундай шароитда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан банклараро рақобат муҳитини шаклланти-

риш, икки поғонали банк тизимини барпо этиш ва банкларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш вазифаси давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди. Ушбу вазифани бажариш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 1994 йил 13 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорга мувофиқ, тижорат банклари 1996 йилнинг 1 январига қадар солиқ тўловларидан озод қилинди. Солиқдан озод қилиш натижасида ҳосил бўлган маблағлар тижорат банкларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилди.

Бундан ташқари, соғлом рақобат муҳитига асосланган икки поғонали банк тизимини шакллантириш мақсадида дастлаб тармоқ банкларини ташкил этиш ва улар фаолиятини кейинчалик диверсификациялашни таъминлаш йўли билан уларни универсал тижорат банкларига айлантириш сиёсати муваффақиятли амалга оширилди. 1994-1995 йилларда автомобиль саноати корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Асакабанк", ғалла етиштиришни молиялаштиришни таъминлаш учун "Ғаллабанк", аграр соҳа корхоналарини

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ва уларнинг филиаллари, минибанклари сони

Кўрсаткичлар	1990 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.
Тижорат банклари сони	16	32	35	29	31
Тижорат банклари филиаллари, минибанклари сони	2389	3171	4234	7028	9293

молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Пахтабанк", кичик ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлашни такомиллаштириш мақсадида "Тадбиркорбанк" ташкил этилди. Ҳозирги даврда ушбу банклар ликвидлик ва тўловга қобиллик даражаси етарли даражада бўлган универсал тижорат банкларига айланди (2006 йилда "Тадбиркорбанк" негизида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли молиявий хизматлар кўрсатувчи "Микрокредитбанк" ташкил этилди).

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 20 йили мобайнида барқарор икки поғонали банк тизими яратилди ва унинг барқарор ривожланишини таъминлашга эришилди (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги йилларида тижорат банкларининг филиаллари ва минибанклари тармоғи кескин ривожланиб борди ва мамлакатимизнинг бутун ҳудуди бўйлаб кенг тарқалди. Агар 1990 йилда тижорат банклари филиаллари ва минибанклари сони 2389 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилнинг якунига келиб, уларнинг сони 3,9 мартага ошди ва 9293 тага етди.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида республикамиз банк тизимида тижорат банклари сони 15 тага кўпайди. Бу эса, тижорат банклари учун мустақиллик йиллари мобайнида зарур бўлган шартшароитларнинг юзага келтирилганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг улушини оширишнинг долзарб масала эканлигини алоҳида эътироф этдилар: "тижорат банклари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартириш зарур – бугунги кунда уларнинг ишини узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушининг ўсиши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш нуқтаи назаридан баҳолаш керак. Шу ўринда ўз кредит портфелида 85

фоиздан зиёд узоқ муддатли кредитга эга бўлган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва 71 фоиз ана шундай кредитга эга бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятини алоҳида қайд этишни истардик. Бундай фаолият бошқа банклар учун ўрناк бўлиши лозим". Бу эса, банкларнинг узоқ муддатли кредитларини инвестицияларни молиялаштириш манбалари ҳажмидаги салмоғини ошириш бўйича жиддий чоратадбирларни амалга ошириш заруриятини юзага келтирди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли "Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасида қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши мамлакат банкларининг узоқ муддатли кредитлар бериш салоҳиятини ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ушбу Қарорга мувофиқ:

– тижорат банклари томонидан Марказий банкда депонентланадиган мажбурий захираларнинг энг кам миқдори 2009 йил 1 сентябрдан бошлаб, мажбурий захира шакллантириладиган мажбуриятларга кирувчи миллий ва хорижий валютада жалб қилинган депозитлар бўйича қуйидаги миқдорларда белгиланди:

муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар бўйича – 12 фоиз миқдориди;

муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар бўйича – 10,5 фоиз миқдориди;

– тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинadиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан;

– тижорат банклари аввал берилган кредитларни тўлаш ҳисобига ундириб олинadиган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

– лизинг хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уч йил муддатга фойда солиғи ва лизинг операцияларидан тушадиган да-

ромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва самарали амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг капиталлашиш даражасини давлат маблағлари ҳисобидан ошириш сиёсатини муваффақиятли амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2009-2010 йилларда давлат маблағлари ҳисобидан мамлакатимизнинг олтита тизимли банкининг устав капитали давлат маблағлари ҳисобидан 500 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда оширилди. Ўз навбатида, мамлакат тижорат банкларининг капиталлашиш даражасининг оширилганлиги уларнинг жорий ликвидлиги ва тўловга қобиллигининг ошишига олиб келди.

Юқорида қайд этилган чоратадбирларнинг натижаси ўлароқ, сўнгги йилларда тижорат банклари узоқ муддатли кредитларининг ҳўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш манбаи сифатидаги роли ошиб бормоқда (1-расм).


1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 1990-2010 йилларда ре-

спубликамиз тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг улуши юқори даражада ўсди. Бу эса, тижорат банклари кредитларининг инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатидаги аҳамиятини тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Агар 1990 йилда республикамиз тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг улуши 23,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилнинг якунига келиб, ушбу кўрсаткич 75,2 фоизни ташкил этди.

Сўнгги йилларда тижорат банклари узоқ муддатли кредитларининг фоиз ставкаларини пасайиш тенденциясининг кузатилаётганлиги улардан фойдаланиш даражасининг ошишига хизмат қилмоқда. Агар 2001 йилда тижорат банклари томонидан сўмда берилган узоқ муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 20,3 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2005 йилда – 14,9 %, 2010 йилда 13,0 фоизни ташкил этди.

Тижорат банклари кредитларининг асосий қисмини ички манбалар ҳисобидан шакллантириш уларнинг ликвидлигини таъминлаш, мамлакат ташқи қарзининг кескин ошишига йўл қўймаслик нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади. Россия, Қозоғистон, Чехия каби дав-



1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг улуши (фоиз ҳисобида)

латларнинг тажрибалари кўрсатдики, банкларнинг кредит портфелини шакллантиришда ташқи манбаларни жалб этишга эътиборнинг кучайтирилиши молиявий инқироз шароитида банкларнинг жорий ликвидлигини кескин пасайишига ва ҳатто банкрот бўлишига сабаб бўлди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, республикамиз тижорат банкларининг кредит портфелини шакллантиришда ички манбаларнинг улуши тобора ортиб бораётир (2-расм).


2-расм маълумотларидан кўринадики, 2010 йилда тижорат банклари кредитлари ва банкларнинг ички манбалар ҳисобидан шакллантирилган кредит портфели миқдори 1990 йилга нисбатан жуда юқори ўсиш суръатларига эга бўлди. Агар 1990 йилда ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг банкларнинг кредит портфелларидаги улуши 46,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрсаткич 85,1 фоизни ташкил қилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, республикамиз банклари капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича халқаро Базел қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробарга юқоридир. Маълумки, Халқаро Базел стандартига кўра, тижорат банки регулятив капиталининг етарлигини аниқлаш учун регулятив капитал суммаси банкнинг рискка тортилган активлари суммасига бўлинади. Ушбу коэффици-

ентнинг энг паст даражаси 8% қилиб белгиланган. Агар тижорат банкида мазкур коэффицентнинг амалдаги даражаси 8 фоиздан паст бўлса, у ҳолда, банк тўловга қобил эмас, деб ҳисобланади.

Республикамиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонлари банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини кучайишига замин яратди. 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига келиб, тижорат банклари томонидан жами 152 та иқтисодий ночор корхоналар банк балансига қабул қилинган бўлиб, шулардан 71 тасида ишлаб чиқариш фаолиятлари тикланиб, янги мулкдорларга сотилди ҳамда 69 таси негизида янги корхоналар ташкил этилиб, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ йўлга қўйилди.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитлари ва ички манбалар ҳисобидан шакллантирилган кредит портфели, млрд. сўм

Ўзбекистон Республикаси банк тизими-ни халқаро рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳоланганлигини муҳим ютуқ сифатида эътироф этиш жоиз. 2010 йилда республикада банк тизими активларининг 90 фоиздан ортиқ қисмига эга бўлган 15 та тижорат банкига "Фитч Рейтингс", "Стандарт энд Пурс" ва "Мудис" халқаро рейтинг компанияларининг "барқарор" рейтинг баҳолари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президент И.А. Каримов ўзининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз молия-банк тизимининг ликвидлигини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш масаласининг долзарблигига алоҳида эътибор қаратди. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 – сонли "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида" ги Қарори қабул қилиндики, у миллий банк тизимини ўрта муддатли даврга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси ҳисобланади.

Мазкур Қарорда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини 2011-2015 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- "Хусусий банклар ва молия институтлари ва улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида" ги, "Кредит ахборотлари алмашинуви тўғрисида" ги, "Гаров реестри тўғрисида" ги қонунларни ишлаб чиқиш;

- "Фитч Рейтингс", "Стандарт энд Пурс" ва "Мудис" халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёрлар, мезонлар ва стандартлардан республика тижорат банклари, молия-банк тизимини баҳолашда фойдаланиш;

- банкларнинг умумий капиталини 2011-2015 йилларда ўртача 2,1 мартага ошириш;

- банк назорати тизимига Базель қўмитасининг янги талабларини жорий этиш;

- банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда CAMELS тизимининг янги вариантини жорий қилиш;

- тижорат банкларидаги депозитларни 2011-2015 йилларда ўртача 2,5 мартага ошириш;

- пластик карточкалар сонини 2011-2015 йилларда ўртача 1,5 мартага ошириш йўли билан банкларнинг пластик карточкалари орқали амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш;

- банкнинг умумий капиталини 15% ва ундан ортиқ қисмини ташкил этадиган ҳар қандай битим бўйича Кенгашнинг розилиги олинади. Бу иқтисодий норматив сифатида жорий этилади;

- банкларнинг ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш бўйича лойиҳаларни кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,8 мартага ошириш;

- халқаро лойиҳавий молиялаштириш принциплари бўйича амалга ошириладиган ва суммаси 200 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлган инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, ҳужжатларни тасдиқлаш ва молиялаштириш тўғрисидаги Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- кичик бизнесни кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 мартага ошириш;

- банклар фаолияти кўрсаткичларини, шу жумладан, уларнинг йиллик ҳисоботларини оммавий – ахборот воситаларида доимий равишда эълон қилиб бориш ва интернет-сайтларда жойлаштириш;

- тижорат банклари ходимларини Япония, Жанубий Корея, Жанубий-Шарқий-Осиё ва бошқа мамлакатларининг етакчи ўқув юртлари ва марказларининг базасида ўтказиладиган қисқа муддатли курсларда ўқитишни таъминлаш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги йилларида халқаро банк амалиёти стандартларига жавоб берадиган икки поғонали банк тизими яратилди ҳамда унинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлиги таъминланди. Шу билан бирга, банк тизимини 2011-2015 йилларда ривожлантириш Стратегиясининг ишлаб чиқилганлиги уни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратилади.